



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 28 » avgust

№ ПҚ–5237

### **Жиззах шаҳрида Қозон Федерал университети филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қозон Федерал университетининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий таълим дастурлари асосида чуқур фундаментал ва илмий-амалий билимга эга юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳудудий инновацион-таълим тармоғини яратиш, рақамли таълим тизимини шакллантириш ҳамда иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида:

**1.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Қозон Федерал университетининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда – Университет) **Жиззах шаҳрида Қозон Федерал университетининг филиалини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

**2.** Қуйидагилар **Жиззах шаҳридаги Қозон Федерал университетининг филиали** (кейинги ўринларда – Филиал) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ **геология, дастурий инжиниринг, иқтисодиёт, машинасозлик, даволаш иши, стоматология, фармация, тиббий биокимё** каби бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ўқув жараёнига **илғор педагогик ва ахборот технологияларини**, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантириш;

**фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқот** лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илм-фан ва таълимнинг сифатини ошириш, уларнинг узвийлигини таъминлаш, **жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига** мақсадли интеграциялашув орқали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес-ҳамжамиятлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида **узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.**

### **3. Белгилансинки, Филиал:**

Университетнинг **юридик шахс мақомига** эга бўлган **таркибий бўлинмаси** ҳисобланади;

кадрларга бўлган **эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда** олий таълимнинг сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мос таълим дастурлари асосида барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

таълим жараёнини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда **Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида** олиб боради;

кадрлар тайёрлашни **кундузги, сиртқи** ва бошқа таълим шаклларида олиб боради;

таълим фаолиятини **2022/2023 ўқув йилидан** бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда **Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ** амалга оширади;

битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида олий маълумот сифатида тан олинган Университетнинг белгиланган **намунадаги дипломини беради;**

фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси **қонунчилигига мувофиқ** амалга оширади.

#### 4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет:

Филиал таълим жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этади;

Филиал профессор-ўқитувчилари таркибининг **40 фоиздан** кам бўлмаган миқдорини Университет ва хорижий олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларини дарс беришга ва илмий фаолиятга жалб этиш орқали шакллантиради;

Филиал профессор-ўқитувчиларини маҳаллий ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва етакчи корхоналарда **қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тизимли** равишда ташкил этади;

Филиалнинг **кутубхона фондини шакллантириш** ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга кўмаклашади;

Филиалнинг зарур **ўқув, лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар** билан жиҳозланишини таъминлайди;

Филиалнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларини **Н.И. Лобачевский** номидаги кутубхонанинг электрон ресурслар базасидан фойдаланиш имконияти билан таъминлайди.

#### 5. Белгилансинки:

Филиалга бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрлари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга **бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олиб**, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда **Филиал томонидан тасдиқланади**;

Филиалга талабаларни ўқишга қабул қилиш **давлат гранти** ҳамда **тўлов-контракт** асосида амалга оширилади. Бунда, давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари **уч йилдан кам бўлмаган муддат мажбурий ишлаб бериш шarti** билан Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотларига тақсимланади;

Филиалда ўқитишнинг **тўлов-контракт миқдори** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда **Филиал томонидан белгиланади**;

**2021/2022 ўқув йилидан** Университет Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали билан ҳамкорликда **“Дастурий инжиниринг”, “Фармация” ва “Ахборот тизимлари ва технологиялари”** таълим йўналишлари бўйича **қўшма таълим дастурлари** асосида кадрлар тайёрлашни бошлайди ҳамда мазкур йўналишлар бўйича ўқишга қабул қилинган талабалар **келгусида ўқишларини Филиалда давом эттиради;**

Филиал **ўттиз суткадан ортиқ муддатга** Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари Россия Федерациясининг олий таълим ташкилотлари учун белгиланган **нормаларга мувофиқ қопланади;**

Филиал ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Университетдан **узоқ муддатга** жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига **ҳақ тўлаш тузилган шартномаларга** мувофиқ амалга оширилади;

Филиалнинг дарс жараёнида фойдаланиладиган махсус ускуналар ва дастурлар билан ишлаш кўникмасига эга, юқори малакали ходимлари учун **Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар белгиланиши мумкин;**

Филиалга **илмий фаолият олиб бориш** учун таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш харажатларини тўзиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун **белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилади;**

2022 йилда Филиал фаолияти йўлга қўйилган кундан бошлаб Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида** ажратилади ва кейинги йиллардан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

**6. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:**

Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар **умумий сонининг 30 фоизидан** ошмаган ҳолда давлат гранти асосида талабаларни ўқитиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;  
халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;  
хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан  
келиб тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

#### **7. Жиззах вилояти ҳокимлиги (Э.Салиев):**

Филиални Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган собиқ  
Олий ҳарбий авиация билим юрти бино ва иншоотларининг бир қисмига  
ижара ҳақининг **ноль ставкаси** асосида жойлаштирсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда симуляцион  
ва имитацион ўқитиш усуллари асосида Филиалда **оилавий поликлиника**  
ташkil этсин.

**8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) Жиззах**  
вилояти ҳокимлиги (Э.Салиев) ва Университет билан ҳамкорликда:

2021 йил якунига қадар Филиалнинг **таъсис ҳужжатларини ишлаб**  
**чиқсин ва тасдиқласин**, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда  
давлат рўйхатидан ўтказсин;

2022/2023 ўқув йили бошлангунига қадар Филиални **танлов асосида**  
малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

2022 йилнинг якунига қадар Филиал таркибида **OpenLab илмий-**  
**тадқиқот лабораторияси** фаолиятини ташкил этсин.

OpenLab лабораторияси **республика ва чет эл илмий тадқиқотчилари**  
учун **фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотларни** амалга оширишга  
мўлжалланган, замонавий жиҳозланган илмий инфратузилмага эга марказ  
сифатида фаолият юритиши инобатга олинсин.

#### **9. Белгилансинки, Филиалга ажратилган:**

**бино, иншоотлар ва ҳудудларни сақлаш билан боғлиқ барча**  
**харажатлар**, шу жумладан коммунал тўловлар **Филиал маблағлари**  
ҳисобидан қопланади;

**ўқув хоналари, талабалар турар жойи ва хорижий профессор-**  
**ўқитувчилар меҳмонхонасини** таъмирлаш ва жиҳозлаш Филиалга  
2022 йилда **республика бюджетидан** ажратиладиган маблағлар  
ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги мазкур банддаги тегишли чора-тадбирларни  
молиялаштириш учун зарур маблағларни 2022 йилдаги Давлат бюджети  
параметрларида назарда тутсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Филиал учун бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини 2023–2025 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин.

**10. 2024 йил 1 январга қадар** Филиални реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарлар, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар **божхона божидан озод этилсин.**

**11.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири **А.Х. Тошқулов**, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **А.Ш. Иноятов** ва Жиззах вилояти ҳокими **Э.А. Салиев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Б.А. Мусаев** ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси **А.А. Абдувахитов** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 28 » avgusta

№ ПП–5237

### **О мерах по организации деятельности филиала Казанского Федерального университета в городе Джизаке**

В целях подготовки высококвалифицированных кадров, обладающих глубокими фундаментальными и научно-практическими знаниями на основе современных образовательных программ Казанского Федерального университета, отвечающих международным стандартам, а также создания региональной инновационно-образовательной сети, формирования цифровой образовательной системы и удовлетворения потребности работодателей в специалистах с высшим образованием:

**1. Согласиться с предложением Министерства высшего и среднего специального образования, Министерства здравоохранения, хокимията Джизакской области и Казанского Федерального университета (Российская Федерация) (далее – Университет) о создании филиала Казанского Федерального университета в городе Джизаке.**

**2. Определить основными направлениями деятельности филиала Казанского Федерального университета в городе Джизаке (далее – Филиал):**

подготовку высококвалифицированных кадров по таким направлениям образования бакалавриата и специальностям магистратуры, как **геология, программный инжиниринг, экономика, машиностроение, лечебное дело, стоматология, фармацевция и медицинская биохимия** в соответствии с международными требованиями, предъявляемыми к качеству высшего образования;

разработку и внедрение современных образовательных программ и форм обучения, применение **передовых педагогических и информационных технологий**, последних достижений науки и техники в учебном процессе, развитие учебно-педагогического потенциала;

разработку и реализацию проектов **фундаментальных, научно-практических и инновационных исследований;**

повышение качества науки и образования, обеспечение их преемственности, совершенствование системы подготовки специалистов и научно-педагогических кадров путем целенаправленной интеграции **в мировое образовательное и научное сообщество;**

**укрепление и развитие долгосрочного сотрудничества** в сфере образования и науки с ведущими образовательными организациями, научно-исследовательскими центрами и бизнес-сообществами зарубежных стран.

### **3. Определить, что Филиал:**

является **структурным подразделением** Университета **со статусом юридического лица;**

осуществляет подготовку, переподготовку и повышение квалификации специалистов всех уровней на основе образовательных программ, соответствующих международным требованиям, предъявляемым к качеству высшего образования, **с учетом потребности в кадрах;**

ведет образовательный процесс на основе **учебных планов и образовательных программ, утверждаемых Университетом** по согласованию с Министерством высшего и среднего специального образования и Министерством здравоохранения;

осуществляет подготовку кадров по **дневной, заочной** и другим формам обучения;

начинает образовательную деятельность **с 2022/2023** учебного года;

осуществляет прием абитуриентов и проводит аттестацию выпускников **в соответствии с требованиями, порядком и сроками, устанавливаемыми Университетом** по согласованию с Министерством высшего и среднего специального образования;

выдает выпускникам диплом Университета **установленного образца**, признаваемый документом о высшем образовании в Республике Узбекистан и Российской Федерации;

осуществляет деятельность **в соответствии с законодательством** Республики Узбекистан и Российской Федерации.



#### 4. Принять к сведению, что Университет:

**внедряет** в образовательный процесс Филиала передовые педагогические и информационные технологии, **новейшие достижения** науки и техники;

формирует **не менее 40 процентов** профессорско-преподавательского состава Филиала путем привлечения к преподаванию и научной деятельности профессоров-преподавателей Университета и зарубежных высших образовательных организаций;

на системной основе организует **работу по переподготовке и повышению квалификации** профессоров-преподавателей Филиала в отечественных и зарубежных высших образовательных организациях, научно-исследовательских центрах и на ведущих предприятиях;

оказывает содействие в **формировании библиотечного фонда** Филиала и его пополнении современной учебной, учебно-методической и научно-технической литературой;

обеспечивает оснащение Филиала необходимым **учебным, лабораторным и научным оборудованием**;

обеспечивает доступ профессоров-преподавателей и студентов Филиала к **базе электронных ресурсов библиотеки имени Н.И. Лобачевского**.

#### 5. Установить, что:

параметры приема на направления образования бакалавриата и специальности магистратуры Филиала **утверждаются Филиалом** по согласованию с Министерством экономического развития и сокращения бедности, Министерством высшего и среднего специального образования, Министерством здравоохранения, хокимиятом Джизакской области и Университетом с **учетом реальной потребности в кадрах** заинтересованных министерств и ведомств;

прием студентов на учебу в Филиал проводится на **основе государственного гранта и платного контракта**. При этом, выпускники Филиала, прошедшие обучение на основе государственного гранта, **распределяются в государственные органы и организации Республики Узбекистан с условием обязательной отработки на срок не менее трех лет**;

**размеры платного контракта** за обучение в Филиале **определяются Филиалом** по согласованию с Министерством высшего и среднего специального образования, Министерством здравоохранения и Университетом;

Университет совместно с Джизакским филиалом Национального университета Узбекистана с **2021/2022 учебного года** начинает подготовку кадров по таким направлениям образования, как **«Программный инжиниринг», «Фармация» и «Информационные системы и технологии»** на основе совместных образовательных программ, и студенты, принятые на обучение по данным направлениям, **в будущем продолжат учебу в Филиале;**

расходы на служебные командировки профессоров-преподавателей, привлекаемых в Филиал из Университета **на срок более тридцати суток, покрываются в соответствии с нормами,** установленными для высших образовательных организаций Российской Федерации;

**оплата труда** профессоров-преподавателей, привлекаемых из Университета **на длительный срок,** производится в соответствии с **заключенными договорами** исходя из потребностей учебного процесса Филиала;

для высококвалифицированных работников, имеющих навыки работы со специальным оборудованием и программами, применяемыми в процессе обучения в Филиале, **могут устанавливаться надбавки за счет внебюджетных средств Филиала;**

**разрешается оплачивать** расходы на проживание зарубежных профессоров-преподавателей, приглашаемых в Филиал для **ведения научной деятельности,** на основе заключаемых договоров **по тарифам, установленным** для граждан Республики Узбекистан;

начиная со дня организации деятельности Филиала бюджетные средства на содержание Филиала в 2022 году выделяются **в рамках средств, выделенных Министерству высшего и среднего специального образования из Государственного бюджета,** в последующие годы – предусматриваются в параметрах Государственного бюджета.

**6. Определить источниками финансирования деятельности Филиала:**

средства Государственного бюджета, выделяемые Министерству высшего и среднего специального образования для обучения студентов на основе государственного гранта, **но не более 30 процентов общего числа** студентов, принятых на учебу в Филиал;

средства, поступающие от обучения студентов на платно-контрактной основе;

благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;

гранты международных финансовых институтов и зарубежных организаций;

средства, поступающие от хозяйственной деятельности и оказания услуг на договорной основе;

другие источники, не запрещенные актами законодательства.

**7. Хокимияту Джизакской области (Салиев Э.):**

разместить Филиал в части зданий и сооружений бывшего Высшего военного авиационного училища, расположенного по адресу город Джизак, улица Шарафа Рашидова, по **нулевой ставке** арендной платы;

совместно с Министерством здравоохранения создать в Филиале **семейную поликлинику** на основе симуляционных и имитационных методов обучения.

**8. Министерству высшего и среднего специального образования (Тошкуллов А.) совместно с хокимиятом Джизакской области (Салиев Э.) и Университетом:**

до конца 2021 года **разработать и утвердить учредительные документы** Филиала, а также провести государственную регистрацию Филиала в установленном порядке;

до начала 2022/2023 учебного года обеспечить Филиал квалифицированными профессорами-преподавателями **на конкурсной основе**;

до конца 2022 года организовать в составе Филиала деятельность **научно-исследовательской лаборатории OpenLab**.

Принять во внимание, что лаборатория OpenLab осуществляет деятельность в качестве центра, имеющего современно оборудованную научную инфраструктуру, предназначенную для проведения **отечественными и зарубежными научными изыскателями фундаментальных и практических научных исследований**.

**9. Определить, что:**

**все расходы, связанные с содержанием выделенных Филиалу зданий, сооружений и территорий, включая коммунальные платежи, покрываются за счет средств Филиала;**

ремонт и оснащение выделенных Филиалу **учебных помещений, мест проживания студентов и гостиницы для зарубежных профессоров-преподавателей** осуществляются за счет средств, выделяемых Филиалу из республиканского бюджета в 2022 году.

Министерству финансов в параметрах Государственного бюджета на 2022 год предусмотреть средства, необходимые для финансирования соответствующих мер настоящего пункта.

Министерству экономического развития и сокращения бедности в соответствии с обоснованными расчетами Министерства высшего и среднего специального образования и хокимията Джизакской области включить работы по строительству, реконструкции и капитальному ремонту зданий и сооружений для Филиала в Программу развития социальной и производственной инфраструктуры на 2023–2025 годы.

**10. Освободить Филиал на срок до 1 января 2024 года от таможенной пошлины** за учебное и научно-лабораторное оборудование, компьютерную технику, программные продукты, учебную и научно-методическую литературу, инвентарь, строительные материалы и материально-технические ресурсы, не производимые в Республике Узбекистан, ввозимые для реконструкции, капитального ремонта, оснащения и обеспечения деятельности Филиала по перечням, формируемым в установленном порядке.

**11. Возложить на министра высшего и среднего специального образования Тошкулова А.Х., первого заместителя министра здравоохранения Иноятова А.Ш. и хокима Джизакской области Салиева Э.А. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения** настоящего постановления.

Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Мусаева Б.А. и советника Президента Республики Узбекистан Абдувахитова А.А.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш.Мирзиёев**

город Ташкент